O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 18-oktabr, chorshanba, 42 (372)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига

Ўзининг кўп минг йиллик тарихига эга бўлган шаҳарлари, бетакрор обидалари билан халқимиз доимо фахрланиб келган. Ҳамиша гўзал ва навқирон Самарқанду Бухоро, кўҳна Хива неча асрлардан бери дунё аҳлининг ҳайратини ошириб келгани каби бугун юртимиздаги яна бир қадимий шаҳар — Қарши ҳам кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортмоқда.

ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН ДИЁР

Бу бежиз эмас, албатта. Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлашлари туфайли Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО томонидан маъқулланди. Юбилей муносабати билан қадимий шаҳар улкан бунёдкорлик майдонига айлантирилди.

Бугун Қаршида ким билан суҳбатлашманг, кўтаринки кайфиятда бу кўҳна шаҳарнинг кун сайин чирой очиб, гуллаб-яшнаб бораётганлигини эътироф этади. Яқин икки йил ичида унда бўлмаганлар эса ўзгаришларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайди. Ҳадемай ўзининг 2700 йиллигини нишонлайдиган Ватанимизнинг бу дилбар гўшаси ҳақиқатдан ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Юбилей шарофати билан шаҳарда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари кун сайин қизғин паллага кириб асосий кўча ва хиёбонлар, қатор иншоотлар, тарихий обидалар капитал таъмирдан чиқарилди.

— Улкан ўзгаришларга юз тутган шаҳарнинг бугунги жамолига боқиб кўз тўймайди, — дейди Қарши шаҳар ҳокими Шуҳрат Турсунов. — Президентимизнинг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарорларига асосан 30 дан зиёд юбилей объектларида, шу жумладан, 10 та тарихий ёдгорликда қурилиш-таъмирлаш ишлари поёнига етказилди. Насаф, Ўзбекистон, Амир Темур шоҳкўчалари ва шаҳарнинг ички йўллари ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражада реконструкция қилинди. Вилоятимиз марказини электр энергияси, алоқа, газ, ичимлик суви билан таъминловчи коммуникация иншоотлари янгиланди. Шаҳар кўчаларидаги 15,7 километрлик ичимлик суви қувурлари, 2 та сув иншоати, 17 километрлик табиий газ тармоқлари тўла таъмирланди. 13 та маҳаллага янги ичимлик сув қувурлари, 12 та маҳаллага эса табиий газ тармоқлари тортилди. Шаҳар телефон алоқа тармоқларининг рақамли замонавий АТСлар ҳисобига ўтказилиши эвазига абонентлар сони 1100 нафарга кўпайди. Қарши шаҳридан ўтувчи Қашқадарё дарёси қирғоқлари, чўмилиш ҳавзалари, истироҳат боғларида катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозир асосий қурилиш ва ободончилик ишлари тўла поёнига етказилиб, юбилейни юксак савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Қаршининг бош меъморий обидаси — Кўкгумбаз масжидида юбилейнинг асосий тадбирлари ўтказилади, ўзбекона одатга кўра юбилей кунлари элга ош бериш билан бирга мамлакатимиз ва хориждан ташриф буюрадиган тарихчи олимлар, археологлар, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳалқаро илмий конференция ўтказиш кўзда тутилмоқда...

Шаҳар ҳокими таъкидлаганидек, юбилей арафасида Қарши мамлакатимизнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Бунда Қашқадарё вилоятидаги йирик корхона ва ташкилотлар қатори «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлди. Китоб туманийўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхонаси йўлсозларининг бу борадаги меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Юбилейга Насаф кўчасини қайта қуриб фойдаланишга топширдик, — дейди корхона раҳбари Камол Маҳкамов. — Эни 9-10 метрдан иборат бўлган бу тор йўл кенгайтирилиб, 36 метрга етказилди. Икки четида йўлакчалар ташкил этилиб, атрофига гуллар экилди.

Тиғиз график асосида жуда қисқа фурсат ичида бу замонавий йўлни ишга туширган йўлсозларнинг бир қисми эндиликда Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов халқаро йўлининг 47-52 километрида қайта қуриш ишларини олиб боришмоқда. Тендерда ғолиб чиқиб, шу йилнинг иккинчи ярмида мазкур янги объектда иш бошлаган жамоа ноябрь ойидан кечиктирмай уни фойдаланишга топшириш учун бор кучимкониятини сафарбар этмоқда. 5 километр масофани эгаллаган бу йўл Қарши шаҳрининг Насаф кўчаси билан туташиб кетган. Яъни, эндиликда

(Давоми. 2-бетда).

Пленум олдидан

Партия иши ҳар бир сафдошимизнинг халқ ичида бўлишига имкон яратади. Бу олдимизга қўйган мақсадларимизни амалга ошириш учун кенг йўл очади. «Миллий тиклаиш» демократик партиясининг дастуридаги ҳар бир эзгу ният миллатимиз манфаатлари учун хизмат қилишини дилдан ҳис этсак, ишимиз янада ойдинлашади.

ЯНАДА ФАОЛ БЎЛАЙЛИК

Ўзим шифокорман. Касбдошларим ишини кузатар эканман, биз танлаган соҳанинг одамлар ҳаётидаги аҳамияти нақадар муҳимлигини ҳис қиламан. 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланиши касбимизга бўлган масъуллигимизни янада оширди. Инсон учун энг муҳими — саломатлик. Аслида инсонга ҳаётда яшаш имкони бир мартагина берилади. Уни бемақсад ўтказмаслик илинжида елиб-югуради, ўқиб-ишлайди, изланади ҳар бир киши. Иш жараёнида одамлар билан юзма-юз бўлади. Миллий ўзликни англаш инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради, онгу шуурини юксак манзиллар сари етаклайди. Шундай экан, атрофдагиларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқарадиган, уларни ўтмиши, буюк боболарининг боқий мероси билан таништирадиган, ўз ўрнида кўпчиликнинг бошини бир ерга бирлаштирадиган, қалбида ёруғ йўл очадиган даргоҳ ҳам бўлиши керак. Мен партиямиз ишини ана шундай тасаввур қиламан.

Партиядошларимиз орасида Ватан, эл-юрт манфаатлари йўлида жонкуярлик, фидойилик билан ишлаётганлар жуда кўп. Улар миллатнинг энг илғор қатлами — зиёлиларни бирлаштирган партиямизнинг фахридир. Масъулиятли ўринларга етакчилик, ташаббускорлик ишларида тажрибаси бор кадрларни танлаш муҳим деб ўйлайман. Ана шундагина ишимиз янада фаоллашади. Яна бир нарса, жойлардаги партия кенгашларининг бўғини бўлган бошланғич партия ташкилотларини кўпайтириш зарур. Чунки, шундай йўл тутилса, марказ билан қон томирларидек ёйилиб кетган чекка туман ва қишлоқлар орасидаги алоқа бундан ҳам мустаҳкам бўлади.

Ёшларимиз ҳаётининг ўзи бир олам. Уларни сафимизга қўшиш учун кўнгилларига кириб боришимиз, мақсадларимизни уларга тушунтира билишимиз керак. Партиямиз сафида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Барчасининг ҳам орзу-ниятлари бор, уларнинг рўёбга чиқишига интилайлик, ўрни келганда бирга, бамаслаҳат ишлайлик. Юртимиз келажаги уларнинг қўлида, ахир.

Партиядошларимиз орасида турли соҳа кишилари бор. Уларнинг фаоллиги ҳам имкониятларимиз доирасини кенгайтиришини унутмайлик. Учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари, ўтказилаётган тадбирларнинг фойдали томонлари кўп. Ишимиз ана шу жойда кўринади. ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши аъзолари билан бўлган учрашувларда ҳар бир сафдошимизнинг дилида айтиладиган гаплар кўплигига гувоҳ бўлганман. Партиямизнинг Пленуми олдидан фаоллар билан келишилган ҳолда қилинажак ишлар бўйича тузилган режани яна бир бор кўздан кечириб чиқдим. Одатда, камчиликларимиз сарҳисоб қилиш маҳалида билинади. Баъзи ишларга улгурмаган бўлсак, энди фаолроқ бўлайлик, азиз партиядошлар!

Дилбар ҚОБУЛОВА,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Хотин-қизлар қаноти раиси.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашида «Терроризм — аср вабоси» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Шофиркон туман кенгаши ташаббуси билан «Миллий тиклаиш — тараққиёт демакдир» номли тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган туман кенгаши томонидан «Дин ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Денов туман кенгаши ташаббуси билан «Сизни шарафлаймиз, устоз» номли тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро вилоят Бухоро туман кенгаши томонидан «Сизга таъзим, устозлар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Наманган вилоят кенгашида республикамиз Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида вилоят кенгашига сайланган депутатлар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Китоб туман кенгаши ташаббуси билан «Ватан тинчлиги — олий саодат» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилоят кенгашида республикамиз Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида амалга оширилаётган ишлар юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Хонқа туман кенгаши томонидан «Юксак маънавиятсиз келажак йўқ» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Касби туман кенгаши ташаббуси билан «Президентимиз асарларида ҳомийлик тушунчаси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Табрикни ўқиб

УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК, АЗИЗ БОБОДЕҲҚОНЛАР!

Қалби ўзи яратган пахтадек оқ, меҳри дарё, заҳматкаш, меҳнаткаш бободеҳқонларимиз 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта хомашёси тайёрлаб, улкан меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Мамлакатимиз бўйлаб таралган бу ажойиб хушхабар дилларимизни тўлқинлантирди. Йил-ўн икки ой қилинган мардонавор меҳнатнинг самараси ахир кимни қувонтирмайди, дейсиз. Айниқса, забт этилган марра — улкан зафар билан қутлаб, Юртбошимизнинг Ўзбекистон пахтакорларига йўллаган табриги ҳаммамизни бирдек қувонтирди.

Кейинги икки йил ичида лафзи ҳалол пахтакорларимизнинг самарали меҳнатлари боис шартнома мажбуриятлари ёғин-сочинли кунларга қолдирилмасдан, октябрь ойининг биринчи ярмидаёқ адо этилмоқда. Ваҳоланки, бир пайтлар бундай маррага эришишни тасаввур қилишнинг ўзи амри маҳол эди. Албатта, бунда минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар таъминотининг ижобий йўлга қўйилганлиги айни мудао бўлди.

Президентимиз табригида ҳам алоҳида эътироф этилганидек, «Бугунги салмоқли ютуқ кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, деҳқон меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, ерга, мулкка нисбатан чинакам эгалик ва манфаатдорлик ҳиссиётини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимиз, авваламбор, фермерлик ҳаракатининг устуворлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этганининг тасдиғи ва натижасидир.

Бу йилги мавсумда тайёрланган пахта ҳосилининг 85 фоизи ернинг ҳақиқий соҳибларига айланиб бораётган фермер хўжаликлари томонидан етиштирилганининг ўзи фермерлик ҳаракатининг қандай катта салоҳият ва истиқболга эга эканини яна бир бор исботлаб бермоқда».

Бу йил Бухоро вилояти заршунослари маррага биринчи бўлиб етиб келиб, пахта йиғим-теримида карвонбошилик қилдилар. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг азамат пахтакорлари юксак аҳдга яраша хирмон кўтаришиб, шартнома режаларини ортиғи билан адо этдилар.

Ватанимиз қудратининг юксалишида пахта хомашёсининг ўзига хос ўрни борлигини бугун ҳаммамиз ҳис этиб турибмиз. У мамлакатимиз тинчлиги, осойишталиги, фаровонлиги рамзига айланиб бормоқда. Ўз навбатида ўзбек пахтасига дунёда тобора қизиқиш кучайиб боряпти. Уни етиштиришда янгича ёндошувлар ва тажрибалар юзага келмоқда. Истиқболли,



эртапишар ва серҳосил навларнинг яратилаётганлиги, пахтачиликда бошқа зарур шарт-шароитларнинг муҳайё қилинаётганлиги ютуқларнинг муҳим омилига айланмоқда. Юртбошимиз табригида таъкидлаб ўтилганидек, «Ҳеч шубҳасиз иқтисодиётимизнинг бақувват бўлиб бораётгани қишлоқ аҳлининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, барча вилоятлар, туман ва қишлоқларимизда янги-янги корхоналар, кўркам уй-жойлар, равон йўллар, юзлаб мактаб, лицей ва коллежлар, замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилиши пешона тери билан қилган ана шундай машаққатли меҳнатимизнинг меваси ва амалий намоёнидир».

Улкан зафар муборак бўлсин, азиз бободеҳқонлар!

ЭНГ ЯХШИ ИНШОГА МУКОФОТ

Ўзбекистон «Миллий тиклаиш» демократик партияси, Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат» ва «Миллий тиклаиш» газеталари биргаликда «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз» мавзуида ижодий ишлар танловини эълон қилган эди.

Унда ўзбек миллатига мансуб бўлмаган мактаб ўқувчилари қатнашиши белгиланганди. Танлов низомига кўра, унинг иштирокчилари ўзбек тилининг келиб чиқиши, тараққиёт босқичлари, ўзбек тилига асос солган алломаларимиз, уларнинг бой адабий мероси, тилимизга Давлат тили мақоми берилгандан кейинги ўзгаришлар тўғрисида фикр юритиб, иншо ёзишлари белгиланганди.

Яқинда танлов якунланиб, унинг ғолиблари аниқланди. Юнусобод туманидаги 97-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси **Евгение Гузова**га **олий ўрин,** Урганч туманидаги 46-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси **Гулзода Анасаева**га **1-ўрин,** Навоий вилояти 4-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси **Жулдуз Нисанбаева** ва Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактабнинг 7-синф ўқувчиси **Дилором Умарова**га **2-ўрин,** Қўнғирот туманидаги 39-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси **Раъно Қувондиқова**, Наманган шаҳар 34-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси **Артём Барикин** ва Бухоро шаҳридаги 21-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси **Анна Костина**га **3-ўрин** берилди.

Танлов ташкилий қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова танловга юборилган иншолар ўтган йилдагидан савияси мазмуни жиҳатидан анча юқорилигини ҳисобга олиб, келгусида тақдирланувчилар сонини бунданда кўпайтириш кераклигини, бу ўқувчиларнинг ижоддий танловга бўлган қизиқишини янада оширишини таъкидлади.

Танлов ғолибларини табриклаб, уларнинг кейинги ишларига муваффақият тилаймиз.

Азизбек РУСТАМОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тиклаиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тиклаиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.

Нашр кўрсаткичи — 158.

Партия ҳаёти

ФЕРМЕРЛАР — ЯНГИ ЗАМОН КИШИЛАРИ

Аждодларимизнинг азалий орзуси бўлган истиқлол юртимизнинг ҳар томонлама тараққий этишига хизмат қилмоқда. Бунда халқимизни ягона маслак атрофида бирлаштирган, уни порлоқ келажак сари руҳлантирган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ўрни ҳам беқиёс.

Партия дастурида акс этган муҳим тамойиллар шиддат билан ривожланиб бораётган замон талабларига жавоб бера олиши, мамлакатимизни миллий тикланиш орқали дунёнинг илғор давлатлари қаторига олиб чиқишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Партия истиқбол режалари кенг халқ оммаси — жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олиниб, ҳаётда ўз аксини топмоқда. Айтиш мумкинки, партия ўз сафларида илғор фикрли, ташаббускор кишиларни тўплаб, ҳақиқий тикланиш — юксалиш партиясига айланиб бораётир.

Хусусан, ЎзМТДП Жиззах вилояти Дўстлик туман кенгаши ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Булар биринчи навбатда партияни элга танитиш, унинг дастурида акс этган муҳим тамойиллар, жамиятимизда кечаётган туб ислоҳотлар, уларнинг моҳияти ва келажакда кутилаётган натижаларни халққа тўғри тушунтириш орқали мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Партия аъзолари таркибида зиёлилар ва турли хил касбдаги ёшлар сони кўпчиликни ташкил этгани қувонарли, албатта.

Дўстлик туманида 14 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, уларда 300 нафарга яқин аъзо бор. Уларнинг ярмидан кўпини тадбиркорлар ва фермерлар ташкил қилади. «Юлдуз» фермер хўжалиги раҳбари, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Юлдузхон Холматова, «Эшниёз бобо» фермер хўжалиги раиси Муртазо Бўтаев, «Осиёлик Соипбек» фермер хўжалиги бошлиғи Фахриддин Холбеков, «Фарҳод» фермер хўжалиги раиси Юнус Нурмуҳамедов амалга ошираётган ишлар мақтовга лойиқдир. Улар ўтказилаётган бир қатор тадбирларга, эзгу ишларга ҳомийлик кўрсатиб келишмоқда.

— Туманимизда 700 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олиняпти. Ўтган йилда фермерлар 2,4 миллиард сўм соф фойда кўрдилар. Натижада уларнинг саховатли ва эзгу ишлари кўп бўлмоқда, — дейди ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши раиси Сойибжон Холбеков. — Масалан, фермерлар ҳомийлигида жорий йилда шошилинч тез тиббий ёрдам машмуаси қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, улар кўмагида депутатлар, республикамизга таниқли санъаткор, шоир ва ёзувчиларнинг меҳнаткашлар билан учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

ЎзМТДП Дўстлик тумани кенгаши раиси Сойибжон Холбеков ҳали ёш. Туман халқ таълими ташхис маркази раҳбари лавозимида ишлаш билан биргаликда, партия ишини жонлантиришга ҳаракат қилаётир. Ўқитувчи ва мураббийлар ҳисобига партия аъзолари сонини кўпайтириш, партия нуфузини ошириш унинг бирдан бир мақсадидир. Бу борада тинмай ҳаракат қилмоқда. Масалан, кенгаш ташаббуси билан М.Абдувосиев номли агрохизмат марказидаги қаровсиз боғ туман ижодкорлари тасарруфига ўтказилиб, «Ижодкорлар боғи» ташкил этилди. «Дўстлик ҳаёти» туман газетаси ходимлари ва маҳаллий ижодкорлар ҳамкорлигида боғ тартибга келтирилди. Ундан олинаётган маблағ эвазига маҳаллий ижодкорларнинг ижод намуналари тўплами нашр эттирилиши кўзда тутилган.

Туманда шу каби хайрли, эзгу ишлар тобора кўпаймоқда. Озод ва обод ҳаёт барпо этиш, халқ фаровонлигини янада оширишни бош мақсад қилиб олган «Миллий тикланиш» партиясининг фаолияти туманда тобора кенг қулоч ёяверади.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
журналист.

Суратда: ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши раиси Сойибжон Холбеков бир гуруҳ партия фаоллари билан.

Муаллиф олган сурат.

Парламент соати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунини «Миллий тикланиш» партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси, депутат Раъножон Зарипова депутатлар эътиборига ҳавола этди. Қонун депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва қабул қилинди. Олий Мажлис Сенатига жўнатилди. Депутат Р.Зарипова билан суҳбатимиз ана шу Қонуннинг аҳамияти ва мазмуни ҳақида бўлди.

ХУФЁНА ДАРОМАДНИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛАДИ

— Раъножон Зариповна, мазкур Қонуннинг яратилиш сабаблари ва аҳамияти ҳақида маълумот бersангиз.

— Дунёдаги ўнлаб мамлакатлар диний экстремизм ва террорчилик офатларидан азоб чекмоқда. Айрим давлатларнинг алоҳида кўрган чора-тадбирлари самара бериши қийин бўлаяпти. Эзгуликни ҳимоя қилишнинг бирдан-бир йўли аввало кучларни бирлаштириш ҳамда адолат мезони бўлган қонунларни мунтазам кучайтириб, такомиллаштириб боришдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Жиноий фаолиятдан олинадиган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун давлатимиз ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларидан биридир. Президентимиз томонидан 2006 йил 21 апрелда имзоланган «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорда «хуфёна иқтисодиёт», «хуфёна бизнес»нинг шаклланиш йўллари, хорижий валютанинг четга чиқиб кетиш каналлари ва кўп миқдордаги пул маблағларининг банкдан ташқари ноқонуний айланиш манбаларини аниқлаш, бартараф этиш, жиноий фаолиятдан тушган даромадларни легаллаштиришнинг олдини олиш ҳамда терроризмга қарши кураш йўллари белгилаб берилган. Яқинда қабул қилинган Қонун ана шу эзгу ишнинг узвий давомидир.

— Мамлакатимизда охирги йилларда солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш кучайтирилди. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

— Ўтган беш йил давомида солиқ ва валютага оид 52 мингдан ортиқ қонун бузилишлари аниқланган. Уларнинг 13530 таси бўйича жиноий ишлар қўзғатилган ва 38887 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Кўрилган чоралар натижасида жами 142,9 миллиард сўм миқдоридаги моддий зарар, бюджетга қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилди. Республикага ноқонуний олиб кирилган 22,4 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар мусодара қилинди. Хорижий валютанинг яширилиши, четга чиқиб кетиши, ноқонуний айланиши билан боғлиқ 2420 та қонунбузарлик фош этилди. Мазкур жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги тизимдаги барча тезкор тергов, банк, бошқарув, назорат қилувчи тузилмаларнинг иқтисодий ва молиявий соҳалардаги ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарарсизлантириш бўйича комплекс ва аниқ мувофиқлаштирилган тарзда фаолият кўрсатишларини талаб қилади.

— Шу ўринда янги қабул қилинган Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида ғазетхонларимизга батафсилроқ маълумот берсангиз.

— Қонун 13 та моддадан иборат бўлиб, унда 3 та Кодекс ва 10 та Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиляпти. Ўзгартиш ва қўшимчаларни шартли равишда учга бўлиш мумкин. Улардан биринчиси Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг номи ўзгарганлиги тўфайли киритилаётган ўзгартишлар, иккинчиси эса махсус ваколатли давлат органига тегишли ахборотни бериш шартлигидир. Бундан ташқари, ахборотларни тақдим этмаганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланган.

Юқорида таъкидланган қарорнинг 1-бандига мувофиқ Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилди. Шу билан бирга, унинг ваколати, бурч ва мажбуриятлари оширилди. Бундан ташқари, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 4, 10 ва 18-моддаларига, Жиноят процессуал кодексининг 38 ва 339-моддаларига, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 39-моддасига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига ўзгартишлар киритилди.

— Ахборот етказилиши шартлиги нима мақсадда белгиланаяпти? Ушбу ҳуқуқий норма республикамизнинг қайси қонунларига киритилмоқда?

— «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг рўйхати берилган. Унда 10 та ташкилот санаб ўтилган. Қонунларга киритилаётган ўзгартиришларда ҳам ана шу моддадаги субъектларга эътибор берилган.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ мажбурий назорат қилиниши шарт бўлган операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар икки кун муддатга тўхтатиб қўйилиши ва махсус ваколатли давлат органига тегишли ахборот ўша куни етказилиши белгиланган. Ушбу механизмнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддаси, «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси, «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига ҳам қўшимчалар киритилди.

— Тадбиркорлар фаолияти ҳақидаги ахборот махсус ваколатли давлат органига қайси тартибда юборилади?

— Бу тўғрида «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида аниқ вазифалар белгилаб қўйилган. Масалан, энг кам иш ҳақининг 4000 баравари миқдоридан пул келиб тушган ҳолатларда тегишли ваколатли органга хабар етказилади. Агар у жиноий фаолиятдан олинган даромадга, терроризмни қўллаб-қувватлашга дахлдор бўлмаса, икки кун ичидаёқ ўтказиб берилади.

— Мазкур Қонуннинг ушбу ҳуқуқий нормаси жаҳон тажрибасига мосми, деган ҳақли савол туғилиши мумкин...

— Албатта, мос. Бутун жаҳонга машҳур Швецария банклари ҳам катта суммада пул келиб тушганида мамлакат ҳукуматига хабар беради.

— Вақтида ахборот етказилмаганлиги учун жавобгарликка тортиш ишга масъулият ҳиссини кучайтиради. Жарима миқдори қандай белгиланган?

— «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида назорат қилиниши шарт бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг махсус ваколатли давлат органига ахборот тақдим этиш мажбурияти белгиланган. Шу муносабат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176^4-моддасида ахборотларни тақдим этмаганлик учун жавобгарлик ўрнатиш, яъни мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, деб қайд этилди.

— Баъзи кишилар ушбу қонунларга киритилаётган ўзгартишлар тадбиркорларнинг ишини орқага суради, деб ўйлашмоқда. Шу тўғрими?

— Аксинча, бу ўзгартишлар, яъни махсус ваколатли давлат органига ахборот берилиши ҳалол ишлаётган тадбиркорларни, катта суммаси бор корхоналарни ҳар хил тажовузлардан ҳимоя қилади. Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари белгиланаётган қонун пировард натижада юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ осойишталигига муносиб ҳисса қўшади ва иқтисодий ҳамда маъмурий соҳалардаги қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

Гули ОЛИМОВА
суҳбатлашди.

ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН ДИЁР

(Давоми. Боши 1-бетда).



нафақат шаҳарнинг ички, балки у билан боғловчи ташқи йўллари ҳам кенгайтирилиб, автомобиль транспортининг равон қатнаши учун қулай ва соз ҳолга келтирилмоқда.

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз: «Қудратимизга шубҳа қилсангиз биз қурган иморатларга боқинг», — деб бежиз айтмаган. Кўп минг йиллик бой тарихга эга бўлган Қарши шаҳрининг бугунги камоли бунинг ёрқин далилидир. Тарихда Насаф номи билан машҳур бўлган бу қадим шаҳарни айланар экансиз, мустақилликнинг беқиёс аҳамиятини қалбан ҳис этасиз. Ундаги ўзгаришлардан дилингиз яйрайди. Шу юртнинг, шу азиз Ватаннинг фарзанди эканлигингиздан фахрланасиз. Зеро, мустақиллик туфайли маънавий қадриятларимиз қайта тикланди. Биз ҳар бир нарсани ўз номи билан аташга одатландик. Халқимизнинг бой тарихига ҳурматимиз ошди. Шу билан бирга, бебаҳо бойлигимиз бўлмиш тарихий обидалару маданий ёдгорликларимиз халқимизнинг бахту-саодатига, бугунги тараққиётига хизмат қилмоқда. Юбилей муносабати билан Қарши шаҳридаги XIV ва XIX асрларга таллуқли шундай муқаддас жойлар, ёдгорлик ва обидалар қайта таъмирланиб, ўзининг гўзал қиёфасига эга бўлди. Жумладан, мустабид тузум даврида турли мақсадлар учун ишлатилиб, оёқ ости қилинган муқаддас қадамжоларнинг бири — Одина масжиди ўз қаддини қайта тиклади. У яна халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган маданий-маърифий масканга айлантирилди. Ваҳоланки, Қаршининг диний-маърифий маркази бўлган мазкур масжиддан 70 йил давомида маҳбуслар сақланадиган қамоқхона сифатида фойдаланиб келинган эди.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, Қарши Регистонининг XIV асрда қурилган Сардоба, Қарши қалъаси ва XIX асрнинг бошига тааллуқли Бекмир мадрасасини ўз ичига олувчи Одина мажмуасини ҳозирда шаҳар тарихи, маданий ва маънавий мероси ҳамда қадриятларини ўрганиб, тарғиб этувчи марказга айлантириш режалаштирилмоқда.

Ҳозир Қарши шаҳрига чет элликлар катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Дунё нигоҳидаги бу кўҳна шаҳарни сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имкониятлари кучаймоқда. Бу ҳам, албатта, халқимизнинг бой тарихи ва бугунги кунига бўлган катта қизиқиш, ҳурмат-эҳтиромнинг самарасидир.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири.

Партия ҳаёти

ХАЙРЛИ ТАДБИР

ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамда партиянинг Тошкент вилояти Янгийўл туман кенгаши «Нуроний» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда меҳнат илғорлари ва кекса авлод вакиллари иштирокида учрашув уюштирди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мунира Қориева, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажоновалар иштирок этишди ва сўзга чиқишди. Йиғилишда сўз олган «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Лола Ширинова жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб, боқувчисини йўқотган ёлғиз қариялар, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак берилаётгани, бундан кейин ҳам уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш хайрли иш эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг тадбир меҳмонлари йиғилиш қатнашчиларидан тушган саволларга жавоб беришди. Учрашув сўнгида аҳоли ўртасида шундай жонли учрашувларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

АЪЗОЛАР САФИ КЎПАЙМОҚДА

Партиянинг Тошкент вилояти ҳамда Ўрта Чирчиқ туман кенгашлари ташаббуси билан туман пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишлаб учрашув ўтказилди. «Янги турмуш» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Гулбаҳор» фермер хўжалигининг дала шийпонида ўтган тадбирда туман хотин-қизлар қўмитаси фаоллари ва Тўйтепа шаҳридаги маҳалла қўмиталарининг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, теримчи хотин-қизлар иштирок этишди.

Тадбир аввалида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, шоира Шарифа Салимовага сўз берилди.

— Давлат бюджетининг катта қисми ижтимоий соҳага ажратилганлиги ҳукуматимиз ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир, — деди у ўз сўзида. — Хусусан, оналар ва болалар саломатлиги, хотин-қизларга бўлган эътибор шулар жумласидандир. Аёлнинг оиладаги, жамият ҳаётидаги ўрни юрт келажагини белгилаб беришига ишорадир бу.

Шунингдек, маърузачи бугунги кунда хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни тўғрисида гапириб, улар аъзо бўлган партияларнинг аҳамияти ҳақида ахборот берди. «Миллий тикланиш» демократик партияси миллий қадриятларимизни мужассамлаштирган партия эканлигини таъкидлади, йиғилганларни партия дастуридаги мақсад ва вазифалар билан таништирди.

Тадбирда 50 нафар хотин-қиз партия сафига қабул қилинди.

— Партия сафидаги зиёлиларнинг мақсади, улар танлаган йўналиш орзу-истакларимизга мос келиши бизни партияга аъзо бўлишга ундади, — дейишди опа-сингил Нодира ва Зарема Мамбетовалар.

Шарифа Салимова тадбир сўнгида йиғилганларга янги шеърларидан ўқиб берди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Тақдимот

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида республикамизда фаолият юритаётган ўттиз икки нафар мусаввирнинг «Ижодимиз ҳақида гапирсак» китобининг биринчи жилди тақдимоти маросими бўлиб ўтди. Китобнинг кириш қисмида ёзилганидек, тўплам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан яратилган.

«Ижодимиз ҳақида гапирсак»

Ижод намуналари жамланган китобда етакчи рассом, график ва ҳайкалтарошларимиз ижодий жараёнинг айрим қирралари, нозик жиҳатлари, сирлари, бўлғуси асар образининг қандай қилиб акс этиши, юксак қадриятлар даражасига етказиш машаққатлари ҳақида фикр юритадилар.

Рассом ижодида масъулият ва талабчанлик, маҳорат, малака, савия устида тинимсиз ишлаш, ёрқин образ чизгиларини топиш ва бера билиш йўлида изланиш, собитқадамлик, катта билим ва эҳтирос, тажриба, ички руҳий ва маънавий тайёргарлик йиллар давомида ўз ижодий йўлига танқидий ва янгича қараш, диднинг юксак даражасини сақлаб қолиш, қатъият ва матонат, юксак умуминсоний қадриятларни эгаллаб бориш аҳамиятини таъкидлаганлар.

Тадбир давомида мазкур китоб-альбомда ижоди ҳавола этилган рассомлар асарларининг кўргазмаси ҳам бўлди. «Ижодимиз ҳақида гапирсак»ни келгусида давом эттириб, кейинги нашр этиладиган жилдларда тасвирий санъатнинг графика, монументал, декоратив-амалий йўналишларидаги ижодкорлар билан таништириш кўзда тутилган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

● Элга таниқли одамлар

Қошларингиз қаролиги қаламданму,
Юзларингиз сафролиги аламданму...

Ҳар гал шу қўшиқни эшитганимда завқланиб кетаман. Гўзал маъноли шеър, унга мос бетакрор мусиқа, ўзгача оҳанг ва ижро мутаносиблиги қўшиқнинг севимлилигини таъминлаган. Асли ҳақиқий қўшиққина инсонга чинакам завқ бахш эта олади.

"Қошларингиз" қўшиғи ижрочиси Салоҳиддин Азизбоев "Баҳорим", "Оҳ, гулим", "Ширин-ширин", "Кетма" каби ёқимли қўшиқлари билан халқимизга яхши таниш.

"Элга таниқли одамлар" рукни остида берилаётган бу галги суҳбатимиз хонанда, Ўзбекистон Давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси доценти Салоҳиддин АЗИЗБОЕВ билан бўлди.

«ҲОФИЗ БЎЛСАНГ, ҚЎЛИНГДА СОЗИНГ БЎЛСИН»

— Салоҳиддин ака, истеъдоднинг шаклланишида муҳит муҳим ўрин тутади дейишади. Билишимча, сиз ҳам санъаткорлар оиласидансиз. Санъатга кириб келишингизда бу омилнинг таъсири катта бўлган бўлса керак?

— Албатта. Болалигим Ўратепада ўтган. Дадам Саъдулла Азизбоев халқ ҳофизи, эл суйган санъаткор эдилар. Бобом ҳам санъаткор бўлганлар. Умуман, оиламизда санъатга бўлган муносабат бошқача эди. Дадам ғижжак созига қаттиқ меҳр боғлаганлар. Бироқ ёнларидаги созандалари аккордион билан ҳамсозлик қилган, ғижжак чалишни билмаган. Шунинг учун ҳам дадам оиламиздан бирор киши ғижжакчи бўлишини жуда истаганлар. Бир куни мени мусиқа билим юртига олиб бориб, устоз Алижон акага (раҳматли беназир ғижжакчи эдилар): "Мана шу болани сизга топшираман. Нима бўлса ҳам, ўғлимни яхши ғижжакчи қилиб берасиз", — дедилар. Унгача ғижжакни кўрмаган эдим. Устоз Алижон ака қўлимга кичкинагина ғижжакни тутқаздилар. Орадан бир-икки ой ўтгач, ўзимнинг ҳам ғижжакка меҳрим тушиб қолди, ундан нималардир топгандек бўлдим.

— Дарвоқе, қаерда қўшиқ ижро этманг, қўлингизда доим ғижжак бўлади...

— Образли қилиб айтганда, ғижжак устоз Алижон ака қўлимга тутқизган кундан буён менга доимий ҳамроҳ. Аслини олганда ҳар бир қўшиқчи бирон-бир чолғу асбобини чалишни билиши керак, деб ҳисоблайман. Эътибор берган бўлсангиз, элимизнинг забардаст санъаткорлари, ҳофизлар танбур, дутор, тор, умуман, бирон чолғу асбобини чертиб қўшиқ куйлаганлар. Бу мусиқани дилдилингдан ҳис қила олишга ёрдам беради. Бундан ташқари, тасодифан хизматга чақириб, давраларда қўшиқ айтишни илтимос қилиб қолишса, сендан қўшиқ кутаётганларга иложим йўқ, деган жавоб беришнинг хижолатидан ҳам қутқаради. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, қўшиқни ҳис қила оладиган давралардаги завқли инсонлар ғижжакни чалиб қўшиқ бошласанг, бас, хонтахтани чертиб ҳам жўрнавозлик қилиб кетишади. Бунинг ўзгача сурури бор. Ҳофиз бўлсанг, қўлингда созинг бўлсин.

— Лекин ҳозирги кунда қўшиқчиларимиз орасида бу ҳолатни деярли учратмаймиз. Умуман, бугунги ўзбек қўшиқчилиги ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбек қўшиқчилиги деганда оммавий ахборот воситаларининг аксариятида шов-шув қилинаётган "юлдузлар"нинг ижодинигина тушунмаслик керак. Халқимиз кимни танлашни яхши билади. Шунга кўра бугун реп қўшиқларни эшитиб жазавага тушаётган ёшларни бутун бир халқнинг "мухлис"лигига йўймаслик керак.

Нега ёр-ёрлар, алла, "Муножот", "Тановор", "Гиря", "Дилхирож" каби куй-қўшиқлар йиллардан-йилларга, асрлардан-асрларга ўтиб,

бардавом яшаб келмоқда? Негаки, уларда халқ дарди халқона оҳангда куйланган. Бу — ҳақиқий санъат. Бу қўшиқларни куйлаган санъаткор борки, фақат яхшиликка эришган.

— Лекин бугунги ёшларнинг "ўз" қўшиқчилари бор...

— Санъатнинг даргоҳи кенг. Биров кириб, биров чиқиб юраверади. Лекин санъат оламида ўз номинг қолиши муҳим. Бунинг учун эса ҳаракат қилиш керак. Истеъдод бўлгани яхши, лекин яхши санъаткор бўламан дегани инсон илм олиши керак. "Сендан ҳаракат, мендан баракат", деган гап бор. Худо ҳаракат қилганга, чин дилдан сўраганга бераверади. Ёш қўшиқчиларимиз шу нарсаларни англаб санъатга кириб келсалар, маъқул бўларди. Вақт ўтган сари ҳаммаси ўрнига тушади.

— Салоҳиддин ака, сизларнинг ёшлик пайтларингизда ҳам катта ёшдагиларнинг алоҳида, ёшларнинг алоҳида қўшиқчилари, "ўз" қўшиқлари бўлармиди?

— Тўғрисини айтиш керак, ҳар бир даврнинг ўз юлдузлари бўлади. Лекин бизнинг ёшлигимизда аҳвол ҳозиргидек бўлмаган. Чунки у пайтларда қўшиқчиларимиз бармоқ билан санарли эди. Масалан, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Таваккал Қодиров, кейинроқ Камолиддин Раҳимов, Ортиқ Отажонов каби қўшиқчиларни барча бирдек тингларди. Бу санъаткорлар чин маънодаги забардаст ҳофизлар. Қўшиқ яратишнинг машаққатларини, санъаткорга, энг аввало, сабр лозимлигини англаган инсонлар. Шунинг учун ҳам уларнинг ижоди умрбоқий, негаки халқдан узилиб қолмаган. Қўшиқни тушуниш, ҳис қилиш учун ҳам инсонга илм керак. Фақат ҳофизнинг, ижрочининг, қўшиқнинггина эмас, мухлисларнинг савия даражасида ҳам гап кўп. Ҳозирги аксарият қўшиқчи ёшлар бир кунда битта қўшиқ тайёрлашади ва бу билан мақтанишади ҳам. Лекин бир кунда яратилган қўшиқнинг умри ҳам қисқа бўлади. Изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, зийрак мухлислар буни яхши билишади.

— Ёшларга бевосита анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича дарс бераётган устоз сифатида нима деб ўйлайсиз, тақлид асосида, турли услубларда маза-матрасиз ижод қилаётган ва уларнинг мухлислари бўлган ёшларимизни миллийликка қизиқтириш мумкинми?

— Кузатган бўлсангиз, кейинги икки йил ичида бу борада анча жонланиш бор. Масалан, телевидение орқали берилаётган "Оҳанрабо", "Айтишув" каби бир қанча кўрсатувлар, айнан халқона услубдаги қўшиқлари билан санъат оламида ўз ўрнини эгаллаб бораётган ёшларимизнинг ижоди бунга мисол бўла олади. Бундан фақат қувониш керак.

Бугунги ёшлар миллий қўшиқларга, анъанавий ижрочиликка умуман қизиқмайди, дейиш тўғримас деб ўйлайман. Ёшларимизда миллий санъатимизга қизиқиш катта, истеъдодларимиз жуда кўп. Айнан шу йўналиш бўйича илм олиш, ўрганишни истаган ёшларимиз ҳам талайгина.

Ҳозир ўқийман, илм оламан деган ёшларга етарлича шароит бор. Эслаасангиз, бир пайтлар аксарият ёшлар ўзларини пул топишнинг осон йўли бўлиб туюлган бизнесга уришди. Лекин ҳозир ёшларимиз англаб етишди, бизнес, тижорат ишларини юритиш учун ҳам илм олиш, замонавий техникалардан фойдалана билиш кераклигини. Лекин тан олиш керак, куни бекорчиликда ўтаётган ёшларимиз ҳам кўп.

— Қайси соҳада бўлмасин, ўз йўлига эга бўлган инсонларга нисбатан "устоз кўрган" ибораси қўлланилади. Устозларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Биринчи устозим — отам. Орифхон Ҳотамов, Ориф Алимахсумов, Очилхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Умар Отаев каби ҳофизлардан кўп нарса ўргандим, дуоларини олдим. Устозлар қаторида ҳамиша Бахтиёр Тўлагановнинг номини миннатдорлик билан тилга оламан. Бугун озми-кўпми эл назарига тушган бўлсам, бунга уларнинг ўргатганлари сабаб бўлган, деб ҳисоблайман. Чунки улар санъатга оид билимлар билан бирга ҳаёт сабоқларини ҳам беришган. Биз ҳам бугун улардан ўрганганларимиз асосида талабаларга нимадир ўргата олсак, бахтлимиз. Ўрни келганда айтиш керакки, санъат кўнгил тозалигини, ҳалолликни талаб қилади. Биз — санъаткорлар мана шу қоидани доимо ёдимизда тутсак, санъат ҳам бизни улуғлайди, эл ҳам. Улуғ устозлар руҳи ҳам шод бўлади.

Салоҳиддин Азизбоев билан суҳбатимиз турфа мавзуларда бўлди. Суҳбат давомида бу ижодкорнинг санъаткорга чуқур илм ўрганиш зарурлиги ҳақидаги гаплари шунчаки эмаслигига, бу қоидага унинг ўзи қатъий риоя қилишига гувоҳ бўлдик ва буни яна бир бор айтиб ўтишни лозим топдик.

«Миллий тикланиш» мухбири
Зумрад ВАҲОБОВА
суҳбатлашди.

● Мутолаа

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ

БОЙЧЕЧАК

Ҳикоя

Нилуфар қўлидаги бойчечаклар билан уйга югуриб кирганида Одил китоб ўқиб ўтирарди.

— Дада, дада, — деди у қўлидаги сапсариқ бойчечакларни кўрсатиб, — қаранг, бойчечак чиқибди, бойчечак.

— Қани яқинроқ кел-чи, қизим, — дея Одил қўлидаги китобни столнинг устига қўйди.

Нилуфар икки қўллаб бойчечакларни дадасига узатди.

— Дада, сиз уларни ушлаб туринг, мен ҳозир сув олиб келаман.

У чопиб кетди ва бир оздан сўнг қўлида сув тўла стакан билан қайтди.

— Булар-чи, сизга дада, — деди у бойчечакларни авайлаб стаканга соларкан. — Мен яна кўппала териб келаман. Қирда жуда кўп чиқиб ётибди.

Нилуфар югурганича чиқиб кетди. Одил бойчечаклар солинган стаканни дераза олдига қўйиб, уларга тикилди. Сап-сариқ бойчечаклар унинг кўнглида ширин кайфият уйғотди. Шу дамда хотирасининг қаърида мудраб ётган ҳислар уйғона бошлади. Бу ҳислар унинг хотирасида биринчи марта уйғониши эмас. Қачонки хотирасида бундай ҳислар жонланганида юрагида оқибати ғамгинлик билан тугайдиган соғинчни, армонни туярди у. Деразадан ташқарига боқди. Ҳали қорлар тўлиқ эримаган бўлса-да, қирларни хиёлгина яшиллик қоплаганди.

...Бунга анча йиллар бўлди, ўшанда ҳам февралнинг охирлари эди. У ўнинчи синфда, қўшнисининг қизи Марям эса тўққизинчида ўқирди. Иккала ҳовлини пастаккина пахса девор ажратиб турарди. Оқ-сариқдан келган, шаҳло кўзли Марямни кўрганида Одил алланечук бўлиб кетарди. Уни тез-тез кўргиси, қулай фурсат туғилиши билан у билан гаплашгиси келарди. Мактабга боришда уни атайлаб кутар, лекин кутганлигини билдирмасликка уринарди. Марям эса унинг бу ҳолидан бехабар, доимо шўх-шаддод. Одил мактабда уни бошқа болалардан қизғанар, барча ҳаракатларини зимдан кузатиб юрарди.

Марям бирор-бир фандан тушунмай қолса ёрдам сўраб уларникига чиқар, Одил эса бундан хурсанд бўлиб, унга астойдил тушунтирарди. Кунлар ўтиб Одил Марямни қаттиқ севиб қолди, ўй-хаёли унда бўлиб қолди. Лекин бу тўғрисида бировга гапиришдан чўчир, ким билан сирлашишни билмасди. У тунлари ўзича ҳар хил режалар тузар, эртаси куни кечаги режаси номаъқулдек туюларди. Одилга Марям билан кўришиш, гаплашиш қанчалик осон бўлса, севгиси тўғрисида сўз очиш жуда мушкул бўлди. Охири хат ёзди. Нималар деб ёзгани ҳозир эсида йўқ.

Хатни Марямга бериш ҳам катта муаммо бўлди. Кутилмаган тасодиф мушкулини ечди. Бир куни Одил ёлғиз ўзи уйда китоб ўқиб ўтирганди, ниманидир сўраб Марям чиқиб қолди.

— Қанақа китоб ўқияпсиз Одил ака, — деди у остонада тикка тураркан. Одил ўтирган жойидан туриб кетди.

— «Одам бўлиш қийин»ни. Ажойиб китоб.

— Вой, менам ўқимоқчийдим, ўқиб бўлсангиз бериб турмайсизми?

— Майли, кечгача ўқиб бўламан, келсанг олиб кетасан, — деди Одил қизга суқ билан тикиларкан.

Марям кўзини ерга тикиб:

— Майли чиқаман, — деди ва қидирган нарсасини топиб чиқиб кетди.

Одил апил-тапил китобни ўқиб бўлди ва ичига ҳатини солиб кўрпанинг қатига қўйди. Қани энди тезроқ кеч бўла қолса... Кечқурун Марям китобни олиб кетди. Энди Одилнинг юрагига ғулғула тушди. «Хатни ўқиса нима қиларкан? Отасига берса-я? Ана унда кўрасан томошани». Шу хилдаги саволлар унга тинчлик бермасди. Марямнинг соқолидан кипригигача сап-сариқ бўлган дадаси Мўмин аканинг феълини Одил яхши биларди. Исми жисмига мос бўлмаган, мулланамо бу одамдан нафақат унинг оиласидагилар, ҳаттоки қўшни болалар ҳам ҳайиқиб туришарди. «Фариштасизларни кўрсатади», — деб Мўмин ака телевизор кўрмасди. Шу сабабли Марям телевизор кўришга кўпинча Одилларникига чиқарди. Марямнинг айтишича унинг исмини ўқитувчи тоғаси қўйган экан, отаси эса Майрам деб чақирарди.

Марям чиқиб кетганидан сўнг анча фурсат ўтгач, Одилнинг кўнглига ғулғула тушиб, секингина уларнинг ҳовлиси томонга қулоқ солди. Шовқин-сурон эшитилмади. Марям ҳали китобни очмаган, хатни кўрмаган бўлса керак, деган хаёл билан Одил ўзини тинчитди. У ўша оқшом алламаҳалгача эртага рўй берадиган воқеаларни чамалаб ётди. Кўнглига турли хаёллар келди. У гоҳо Марямни ўзининг кўксига бош қўйиб, эркаланиб туришини тасаввур қилса, гоҳо «Менга қилган меҳрибончиликларингни тагида шу ниятинг бормиди», — дея ўшқираётганлигини тасаввур қиларди.

Одил ҳар кунгидан эрта туриб қўшни ҳовлига мўралади. Осойишталик. Юраги тинчиди. Мактабга борадиган вақт бўлди. У атайлаб кеч чиқди. Мактабда ҳам Марямга кўринмади. Дарсдан чиқиб уйи томонга жўнади. Муюлишда Марям дугонаси билан гаплашиб турарди. Одилнинг юраги бир сакраб тушди. У секин-аста уларга яқинлашди. Марям хушчақчақ ҳолатда эди, дугонаси билан хайрлашиб Одилга юзланди.

— Яхшимисиз Одил ака, — деди у ҳамишадагидек, — нега кечикиб юрибсиз?

— Ҳа, сал кечикиб қолибман, — деди Одил ўнғайроқ гап қидириб: — Китобни ўқидингми? Ёқдими сенга?

— Яхши китоб экан. Айтмоқчи, китобнинг орасига нима солувдингиз? Сал бўлмаса шарманда бўлаёздим.

«Тамом» деб ўйлади Одил.

— Ҳа, шу биласанми... у тутилиб қолди. Уни бу ҳолатдан Марямнинг ўзи қутқарди.

— Биров кўриб қолса икковимиз ҳам фош бўлардик. Отамнинг феълини биласиз-ку. Яхшиям ҳеч ким кўрмади... Мени ўйламадингизми?.. Марям шундай деб майин жилмайгандек бўлди.

Шу пайт тунд осмон ҳам чарақлагандек, баданни жунжиктираётган совуқ ҳаво ҳам бирданига илиб кетгандек бўлди. Одил ўзида пайдо бўлган бундай тотли ҳисни илк марта туяётганди.

Одил эртаси куни ҳовузга сув очиш учун адирга борди. Сувни боғлаб бўлиб, кетмонини ювиётган эди кўзи катта харсанг тош ёнида очилиб ётган сап-сариқ бойчечакларга тушди. Бойчечакларнинг бир нечасини авайлаб ковлаб олиб, костюмининг чўнтагига солиб қўйди. Ҳовлига келиб, ҳовузнинг қулоғини ўнглаб турганида челак кўтарган Марям келиб қолди. Баланд дарахтлар билан қуршалган ҳовуз икки ҳовлининг орқасида эди. Марям сув олиш учун ҳовузга тушаётганида Одил кетмонини ерга қўйиб, унинг олдига келди.

— Челакни менга бер, ҳовузнинг суви тагида қолган, ичига шўнғиб кетмагин тагин, — дея ҳазиллашди.

— Сиз борсиз-ку, олиб чиқасиз-да ёки совуқ сувдан қўрқасизми, — деди Марям унга жавобан.

— Сен учун ҳеч нарсадан қўрқмайман Марям.

Одил челакни олиб ҳовуз зинапоясидан пастга тушди ва уни тўлдириб, Марямга узатди.

— Марям, биласанми, мен сенга адирдан нима олиб келдим? — деди Одил.

— Билмайман, — деди у жилмайиб.

Одил чўнтагидан авайлаб бойчечакларни чиқарди.

— Вой, бойчечак чиқибдими, ҳалитдан-а? — деди у қувониб.

— Ҳа, адирда очилиб ётган экан, сен учун олиб келдим. Арзимаса ҳам ол.

— Бошқа гуллар очилганида яхшисини совға қиламан, — деди Одил пастдан бойчечакларни узатаётиб.

Марям бойчечакларни олиш учун пастга узалди. Сочлари ҳам мажнунтол новдаларидек осилди. Кўйлагининг ёқаси хиёлгина очилиб, унинг оппоқ бадани кўриниб кетди. Одил бу ҳолдан сеҳрлангандек туриб қолди.

Марям икки кафтидаги бойчечакларга тикиларкан:

— Раҳмат, Одил ака, менга ҳамма гуллардан ҳам бойчечаклар ёқади, — деди.

— Лекин улар кўп яшамайдилар-да.

— Барибир, нозиккина бўлишларига қарамай, қаҳратоннинг қаҳридан қўрқмайдилар. Одамларнинг қишдан безган, баҳорни унутаёзган кўнгилларига улargина илк марта баҳор ҳисини соладилар.

— Бойчечаклар энг содда гуллар. Агар содда бўлмаганларида, ҳали қиш тугамай ердан чиқмасдилар, — деди Одил қизга боқиб.

— Мен учун кеч очилиб, узоқ яшаган ёз гулларидан кўра, эрта очилиб, бир нафас яшаган бойчечаклар афзал.

— Кўрасан, Марям, ҳали қанча қорлар ёғади, бойчечакларни хазон қилади, — деди Одил.

— Бойчечаклар хазон бўлгани билан улардан қолган тотли туйғуларни ҳеч қандай қаҳратон хазон қила олмайди.

Марям бу гапларни гўёки ўз-ўзига айтгандек бўлди.

— Тўғри, — деди Одил унга жавобан.

— Вой, ўлай, биз нима қилиб турибмиз, биров сувга келиб қолса нима бўлади? — деди ўзига келган Марям ва челакни кўтариб уйига кетди.

Орадан тўрт ойлар ўтиб Одил мактабни тамомлаб, шаҳарга жўнади. Институтга қабул қилинган Одил қишлоққа гўё учиб келди, ўз қувончини Марям билан баҳам кўрди. Ҳашпаш дегунча ўқиш ҳам бошланиб кетди. Одил ҳар ҳафта қишлоққа ошиқар, Марям билан учрашувга шошарди.

Куз келиб, талабалар пахта ҳашарига жўнадилар. Пахтада Одил билан курсдоши Манзура ўртасида илиқ муносабатлар пайдо бўлди. Бу орада қиш келди, Одил энди ҳар ҳафта қишлоққа ошиқмасди, аммо Марям билан учрашиш унга ҳамон қувонч бағишларди. У энди қишлоққа келиб, Марям билан учрашганида Манзура билан уни солиштирадиган бўлди. Кўзига Марям анчайин содда, одми кўрина бошлади, гаплари ҳам жўнроқ-ми-ей. Бу орада Одил билан Манзура ўртасидаги муносабатлар анча чуқурлаша бошлади.

Одил ёзда Марям билан учрашганида, у қимтинибгина уйларига совчилар келаётганлигини айтди. Лабига сигарета қистирган Одил маъюсгина турган Марямга қараб:

— Одам ўз бахти учун курашиши керак. Қизнинг розилигисиз уни турмушга бериш эскилик сарқити-ку, ахир, — деди ва бир оздан сўнг:

— Шаҳарда қизлар эскиликка қарши алла-қачонлар исён кўтарган, — дея қўшимча қилди. Аммо ўзи Марямни умидвор қиладиган ҳеч нарса айтмади, айтолмади.

Таътилга чиққан Одил студентлар қурилиш отряди билан Новосибирскка жўнаб кетди.

Совчиларнинг қатнови кучайган кунларнинг бирида Марям юраги қатидаги сирини оҳистагина онасига очди, Одилда кўнгли борлигини айтди. Муштипаргина онаси қизининг кўз ёшларини енги билан артаркан:

— Улардан одам келмаса, сени гиламга ўраб олиб бориб, уйларига ташлаб келолмайман-ку, қизим. Отанг буни эшитса икковимизни ҳам соғ қўймайди, — деди.

Ҳа, Марям ўз тақдири учун қандай курашишни билмади, эскиликка қарши исён кўтара олмади. Уни узоқ қишлоқдаги бир қариндошларининг ўғлига узатиб юборишди.

Новосибирскдан қайтган Одил бу хабарни эшитиб, муаммони осонлик билан ечилганлигини англаб, аллақандай мамнунлик туйди. Сибир сафари Одил билан Манзурани бутунлай бир-бирига боғлаб қўйган, ўқишни битиришгач, тўй қилишга келишилган эди. Улар институтни тугатиб тўй қилишди, икковлари ҳам мактабда ишлай бошлашди. Одилнинг оиласидан кўнгли тўқ, ҳаёти ҳам сокин эди. Рўзғор аталмиш беҳаҳм ўпқон талабаликдаги жўшқин севги алангасини ютиб юборган, уни анчайин ўчириб қўйган бўлсада, эр-хотин ўртасида илиқ муносабат ҳукмрон эди. Аммо, орадан вақт ўтган сари у тез-тез Марямни соғинадиган бўлди, уни кўргиси келар, бир оғиз сўзига интиқ бўларди. Шундай пайтлари юрагининг бир чеккасини нозиккина қўл ғижимлаётгандек туюларди. Лекин Одил бу соғинчини, сирини ҳеч кимга билдира олмасди.

Одил Марямни ўйлаётганида охирги учрашувни эслаб, аллақандай ғалати бўлиб кетарди. Охирги учрашувда у Марямнинг олдида ожиз қолиб, баландпарвоз гаплар билан оғир вазиятдан чиқишга уринганлигини, ҳақиқий йигитга хос бўлмаган йўл қўллаганлигини тан олиб, ичидан зил кетарди...

Қишлоқда тўй-маъракa бўлса, мабодо Марям келмадимикан, деган умидда Одил ҳеч кимга билдирмасдан хотин-халажлар томонга ўгринча назар соларди. Улар орасидан Марямни тополмагач, дарди янада ошарди.

Одилнинг узоқларга кетган хаёлини эшикдан йиғлаб кирган Нилуфар бузди. Қўллари, тиззалари лой бўлган қизи:

— Дада, қаранг қор ёғяпти. Энди бойчечаклар нима бўлади. Улар совуқдан ўлиб қоладилар-ку, — дея ҳиқиллаб йиғларди.

Одил ўрнидан туриб, чўккалаб қизини қучди ва унинг совуқдан қўкарган юз-кўзларини сийпалар экан:

— Бойчечаклар совуқдан қўрқмайди, улар совуқдан ўлмайди, улар яна қайта очилади, — деб пичирлади.

Ташқарида лайлак қор лопиллаб ёғарди...

Жамият ва қонун

Қоринга санчилган пичоқ ингичка ичакни кесгани етмаганидек, яна икки жойини жароҳатлаганди. Уни тез тиббий ёрдам марказига олиб келганларида аҳволи оғир эди. Ярим тунда шифокорлар милиция кийимидаги жабрдийданинг ҳаётини сақлаб қолиш учун оёққа туришди. Малакали тиббиёт ходимлари ва жарроҳларнинг маҳорати туфайли вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг гуруҳ катта инспектори Зафар Ботировнинг ҳаёти сақлаб қолинди...

Ичкилик касофати

Ярим тун. Андижон-Ўш автомобиль йўли ёқасида жойлашган «Табака» ошхонаси. Кимдир тамадди қилиб ўтирибди, яна кимдир ширакайф бўлиб шерикларига гап бермайди. Ошхона эгаси Бахтиёр Оқйўловнинг ҳам ичкиликка кўнгли бўш экан, ўша куни хўрандалар Абдуғани Эсонов, Бахтиёр Нуриддинов, Баҳодир Турсуновлар билан гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг соғлиғи учун қадаҳ кўтаришади. Автомобилларга хизмат кўрсатиш шахобчасида ишлайдиган Баҳодир Турсуновнинг кайфи ошиб қолсада, болачақасининг ёнига кетай демайди. У «шер» бўлиб оғзига келганини қайтара олмайдиган бир ҳолатда.

Тунги хизмат вазифасини бажариб юрган йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Зафар Ботиров ва Омад Ибрагимовлар тамадди қилиш ниятида шу ошхонага киришади. «Улфатлар»дан бири — Бахтиёр Нуриддинов инспектор Зафар Ботиров билан яхши таниш экан. Иккови такаллуф билан сўрашишади.

— Бир пиёла чой бор, келинг, — деб инспектор уни дастурхонга таклиф қилади.

— Кеч бўлди, уйга қайтишим керак.

— Бизнинг йўлимиз ҳам сиз томонда, машинада ташлаб ўтамиз.

Қўшни столдагилар билан Бахтиёр Нуриддиновнинг суҳбати нимагадир Баҳодир Турсуновга ёқмади.

— Нега, сен меҳмонимни олиб бориб қўяркансан, ўзим ташлаб қўя олмайманми? — деб у жаҳл билан инспекторга ўдағайлади. Ароқ ичганда ақл кетади деган гап бор. Аслида икки танишнинг ўзаро илтифоти яхшилик аломати эди, холос. Аммо кайф одамнинг «кайфияти» тез бузилар экан. Кутилмаганда Баҳодир бўш шиша идиши билан Зафар Ботировнинг бошига уради. Жанжални бир амаллаб атрофдагилар совутгандай бўлишди. Баҳодирни машинага солиб уйига жўнатишади. Аммо фурсат ўтмай у яна қайтиб келади. Шу ердагиларнинг қаршилигига қарамай ошхонадан пичоқни олиб Зафар ва Омад ўтирган жойга киради. Бошига урилган шиша зарбидан гангиб ўтирган Зафар Ботировнинг қорнига пичоқ уради...

Ҳадисларда барча ёмонликлар калити ичкиликдандир, яъни ароқдандир деб ёзилган. Мана, ичкиликнинг ҳунук оқибатларидан бири. Ўзгалар оромини бузмай, тинчгина меҳнат қилиб оила боқиш ўрнига Баҳодир Турсунов суд курсисида ўтирибди. Қарамоғидаги вояга етмаган фарзандлари эса меҳрибонлик кўрсатиш имкониятидан маҳрум отанинг йўлига кўзлари нигорон бўлиб термулиб қолишди...

Ҳукм олдидан Баҳодир Турсуновга сўнгги сўз берилганида у айбига иқрор бўлиб минг пушаймон бўлди. Аммо...

Бахтиёр НИЗОМОВ
Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг судьяси.

ЎЗБЕК КИНОСИ ЖАҲОН ЭЪТИРОФИДА

Кейинги пайтларда ўзбек кино санъатида бир қанча ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ўтган бир йил ичида томошабинлар эътиборига бир неча мазмунли фильмлар тақдим қилинди. Улар ҳозирда кўпгина мамлакатларда ўтказилаётган кинофестивалларда нуфузли мукофотларни қўлга киритмоқда. Ўтган сентябрь ва октябрь ойида ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган фильмлардан тўрттаси мукофот билан тақдирланди.

Яқинда пойтахтимиздаги "Киночилар уйи"да фестивалларда мукофотланган "Йўл бўлсин", "Орзу ортида", "Робия" ва "Ватан" фильмларининг ижодкорлари билан анжуман ўтказилди. Дастлаб танловларда юқори баҳоланган фильмлардан қисқа парчалар намойиш этилди.

Жорий йилнинг 9-13 сентябрида қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган "Шакен юлдузлари" фестивалида фильмларимиздан иккитаси намойиш этилди. Улар ёш ижодкорлар — режиссёр Мансур Абдуҳолиқовнинг "Робия" ҳамда Ёлқин Тўйчиевнинг "Орзу ортида" фильмларидир. "Орзу ортида" фильми фестивалнинг "Энг яхши ижро" номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

— Фестивалда кўпгина мамлакатларнинг ёш режиссёрлари томонидан суратга олинган фильмлар иштирок этди, — дейди режиссёр Ёлқин Тўйчиев. — Улар орасида қозоқ режиссёрларининг асарлари ҳам диққатга сазовор бўлди. Айни пайтда ёш ижодкорларга яратилаётган имкониятлар ўзбек киносида янги ютуқларни келтиришига ишонаман.

Боку шаҳрида ўтказилган "Шарқ-ғарб" халқаро кинофестивалида режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг "Ватан" фильми намойиш этилди. Фестивал якунларига кўра, фильмда бош қаҳрамонлардан бирини ижро этган Раъно Шодиева "Энг яхши актриса" номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

Дилбар КАРИМОВА.

ЕТТИ ЮЗ ЁШЛИ ЧИЛОНЖИЙДА

ва беш асрлик чинор



Тарихий манбалардан маълумки, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ — Аҳрори Валийни Абдураҳмон Жомий, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзларининг маънавий пири деб қабул қилишган. Шайхлиги, кароматгўйлиги, инсонпарварлиги билан номи абадиятга муҳрланган Хожа Аҳрор Валий бева-бечора, етим-есир, ногирон, мусофирларга ёрдам беришни ҳаётининг мазмуни деб билган. Ҳазрат «Хожа Кашфий» қабристонига дафн этилган. Мустақиллик шарофати ила бу муқаддас жой жуда обод ва гўзал бир ҳолатга келтирилди. Самарқанд тумани ҳудудида жойлашган қадамжони зиёрат қилиб, аждодлар руҳини шод этган кишининг баҳри дили очилади.

Бу қадамжо ҳудудида мозийдан сўзловчи манбалар талайгина. Бундан 700 йил аввал экилган чилонжийдага қараб, бу дарахт ҳам узоқ умр кўрувчи дарахтлардан эканлигининг гувоҳи бўлдик. Ўнгдаги чинорнинг ёши эса 480 да. Чинор ва унинг «фарзандлари»ни кўриб ҳайратланасан, киши.



Ўринбой КЕНЖАЕВ олган суратлар.

КУЛГУ ВА БИР БОТМОН ҚАНД

Ҳинд олимлари кулгу билан даволаш юзасидан изланишлар олиб борганларида «бир кеча-кундуз давомида ҳеч бўлмаганда ўн етти дақиқа кулиш зарур» деган хулосага келишган экан.

Мутахассис олим Карл Родал ўз тажрибаларига асосланиб «ўн дақиқалик кулгу ўн беш дақиқалик гимнастика ўрнини босади» деб таъкидлаган бўлса, бундан уч юз йил аввал яшаган Жон Мильтон: «Инсон тафаккури қалбдадир, унинг ўзи жаннатни дўзахга, дўзахни эса жаннатга айлантиришга қодир», — деган сатрларни айтиб қолдирган!

...Саҳнада қизиқчи пайдо бўлиши билан дарров юзингизга табассум ёйилади. Негаки, илгариги айтган ҳангомалари ёдингизга тушади ва янгиларини эшитишга тараддудланасиз. Қизиқчи сўз бошлайди:

— Бир киши ҳаллослаганича милиция идорасининг эшигини қоқади: — Ҳой, тезроқ мени қамаб қўйинглар!

— Нима бўлди? — сўрашади ундан.

— Жаҳл устида хотинимнинг бошига ўқлоғ билан туширгандим.

— Оббо! Ўлдими?

— Э, ўлиш қаёқда! Пичоқ кўтариб орқамдан қувиб келаяпти. Мени тезроқ қамасанглар-чи?!

Ҳангомани эшитиб беихтиёр кулиб юборасиз. Кулгунгиз бошқаларгаям «юқади». Сиз шунда атрофингизга разм солинг-а, кулганларида ҳаммаларининг чеҳралари гўзаллашиб, гўё ёшариб кетгандай туюлади! Аслида биз кулгусевар, ҳазил-мутойибага ўч миллатмиз. Кулгунинг фойдаси эса халқимизга азал-азалдан маълум. Ота-боболаримиз турли йиғинларда, истироҳат боғларида, чойхоналарда аскиялар айтиб одамларни кулдирганлар. Машҳур кулгу устаси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов: «Кулинг, дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», — деган экан. Чиндан ҳам кулгу киши қалбини завқ-шавққа тўлдирибгина қолмасдан, балки саломатлик учун ҳам фойдалидир. Физиолог олимларнинг аниқлашларича, кулгу мияга куч беради, ўпкада ҳаво алмашинувини яхшилайди, бош мия қобиғидаги импульсларни тезлаштиради, бу эса янги ахборотларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, кулган чоғларимизда барча ғамташвишлар унутилади, тана яйраб ҳузурланади.

«Инсон вужудидаги энг нозик аъзо асабдир, жамики хасталикларнинг юзага келиши асабнинг бузилиши билан боғлиқ», деган фикрни Абу Бакр ар-Розий айтган. Чиндан ҳам доимий қаҳр-ғазаб саломатликка салбий таъсир кўрсатиш баробарида кишини тез қаритади. Кимгадир ғазабимизни сочсак, ўзимиз енгиллашгандек бўламиз, бироқ қаҳру ғазабимизнинг «уруғ»лари

Руҳият иқлими

юрагимизнинг бир чеккасига ўрнашиб қолади ва айнан ўша жойда касаллик ўчоғини вужудга келтиради. Оқибатда руҳий мувозанат бузилади, танада хавфли ўсмалар ривожланиши, ошқозон яраси пайдо бўлиши мумкин. Аянчлиси, юрак аста-секин ишдан чиқади.

«Ўзгаларга табассум улашиб яшанг, ана шундагина бу нарса ўзингизга ҳам хуш кайфият ато этади» дейди психологлар. Ён-атрофимиздагилардан бирортаси муаммолар исканжасида қолган бўлса, унга ҳамдард бўлиш, кўнглини овлаш, таскин-тасалли бериш баробарида қалбига қувонч олиб киришимиз лозим бўларкан. Зеро, бу хусусда Абдураҳмон Жомий шундай деган экан:

Сиқилган кишига кулгу бахш этмоқ,
Бир сиқим қанддан ҳам билгил яхшироқ.
Шакардан топади маза оғиз, тил,
Кулгудан топади лаззат руҳу дил!

Саҳнадаги қизиқчи ҳамон ҳангомалар айтиш билан банд. Ўтирганлардан қай бири кўзлари ёшлана-ёшлана юракдан кулади, қай бирлари мийиғида жилмайиб қўя қолади. Барибир кулгу ғолиб келади, кўнгилларга бир ҳовуч нур олиб киргандек бўлади, чеҳралар чарақлаб кетади. Аслида кулгуни тушуниш ҳам бир санъат...

Қорни жуда очиққан меҳмон уй эгасининг ўғлидан секингина сўрайди:

— Сизлар одатда қачон овқатланасизлар?

— Ўзимиз соат бирда, аммо уйда меҳмон бўлса, у кетгунча сабр қиламиз, — дейди кичик мезбон.

Яна бир ҳангома.

Тонгда уйғонган аёл эрига дейди:

— Ҳозиргина туш кўрдим. Сиз менга мўйнали пальто оберганмишсиз.

Эр жавоб қайтаради:

— Азизам, яна бир зум ухла. Балки ўша пальто учун пулни қаёқдан олганимниям кўрарсан.

Қизиқчининг одамларни кулдиришдан мақсади битта. У ҳам бўлса — инсонлар феълидаги майдачуйда нуқсонларни енгил юмор йўли билан уларнинг ўзларига эслатиб қўйиш. Лекин кўпчилигимиз ҳангомалар замиридаги маъно-мазмунни тўлиқ тушунавермаймиз, қизиқчилардан кўпинча ўпкалаб ҳам юрамиз. Оқибатда кулгунинг аҳамияти ва шифобахшлик хусусияти йўққа чиқади. Арасту: «Ҳазил ҳордиқ бўлгани учун ҳам асабларни мулойимлаштиради», — деб бежизга айтмаган.

Аслида шахсий ҳаётимиздаги кўпгина муаммолар аввало кайфият йўқлигидан келиб чиқаркан. Рим императори, буюк файласуф Марк Аврелий мутахассисларнинг бу фикрини кенгроқ изоҳлаб, шундай дейди: «Бизнинг ҳаётимиз — бу ҳаёт ҳақида нимани ўйлаётганимизнинг айнан ўзгинасидир. Яъни, биз бахт ҳақида ўйласак, ўзимизни бахтли ҳис этамиз. Ўйларимиз ғамгин бўлса, тушкунлик гирдобида қолган инсонга айланамиз. Қўрқинчли фикрларни хаёлдан ўтказсак, даҳшатга тушамиз. Касалликларни ўйлайверсак, бемор бўлиб қолишимиз турган гап. Агар ўзимизга раҳмимиз келса, ҳамма биздан узоқлашиши тайин. Ҳар биримиз ўзимизда ҳаётга нисбатан салбий эмас, ижобий муносабатни шакллантиришимиз керак. Кўтаринки рухда яшасак, қадамимиздаги учраган мағлубиятни енгиш осон кечади. Қаранг, яхши кайфият қанчалар куч-қудратга эга. Демак, ўзимиздан бошқа ҳеч ким бизга кўнгил хотиржамлигини бера олмайди!»

Бразилиянинг саломатлик маркази томонидан кулгутерапия шифохонаси ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Мутахассисларнинг текшириш натижаларига кўра, бу жойда беморларга қўлланилаётган муолажалар яхши натижалар бераётган экан. Бу кулгу-терапия шифохонаси мамлакатда ягона бўлганлиги боис, унда даволанишни истовчилар ойлаб навбатда туришади. Хўш, ушбу масканда даволаш ишлари қай йўсинда олиб борилади? Беморлар энг қизиқ кино комедиялар, кулгули спектакллар ва видеоёзувларни кўришади, машҳур қизиқчиларнинг ҳангомаларини эшитишади. Рақс майдончасида эса шўх мусиқа таралиб туради, гоҳо беморлар шу майдонда кўнгил ёзишади. Шифохона хиёбонлари, йўлаклари ва ошхоналари деворларига қизиқарли карикатуралар осиб қўйилган. Муҳими, бу ерда беморларнинг мириқиб кулишлари учун кулгу мутасаддилари барча имкониятларни ишга соладилар.

Кулгу танани яйратади, юракни яшнатади. Турмуш тарзимизда кулгунинг аҳамияти шу қадар муҳимки, кўпгина муаммоларни кулгу ёрдамида енгиб, стресс оқибатида пайдо бўладиган касалликларнинг олдини олишимиз мумкин. Бунинг учун эса кулгунинг кучига ишонишимиз даркор.

Шифокор олимларнинг таъкидлашича, хафагарчиликларга энг сезгир аъзо — юрагимиз экан. Салбий таъсиротлар туфайли юракнинг қисқариш мароми бузилади, қон ҳамда танадаги жараёнлар ўзгаради, бунинг оқибатида иммунитет сусаяди. Бинобарин, киши хасталикка осонгина чалинади. Демак, бундай мушкул вазиятдан чиқишнинг биргина йўли — руҳий изтиробларни хушчақчақлик билан енгиб ўтишдан иборат. Шу ўринда хорижлик журналист Норман Казинснинг бир тажрибаси хусусида тўхталайлик. Оғир турдаги суяк хасталигига дучор бўлган бу ёш йигит бир неча ой фақат кулгули асарлар ўқийди, комедияларни томоша қилади. «Кулгу сеанслари натижасида мени кўпдан бери азоблаб келаётган дарддан халос бўлдим», — дейди у. Казинчс кейинчалик АҚШда кулгу билан даволаш кафедрасини ташкил этади. Эндиликда шу давлатда 600 дан ортиқ кулгу терапевтлари иш юритади. АҚШлик олимларнинг эътироф этишларича, кулгу дардни енгишга кўмаклашади, бўйин ва елка мушакларини бўшаштириб, бош мия ҳамда юрак ишини яхшилайди. Шундай экан, доимо соғлом яшаш учун кулгу ва табассумга ошно бўлайлик.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Энг бақироқ ҳайвон — тимсоҳ. Унинг ўта кучли қичқириғидан анча-мунча овчиларнинг ҳам юраги ларзага келади. Бу борада иккинчи ўринда бегемот, учинчи ўринда эса шер туради.

Ўқинг, қизиқ

Кечаси мушукнинг кўзлари инсонникига нисбатан тўрт марта яхшироқ, кундузи эса беш марта ёмонроқ кўради.

* * *

Жайранинг танасида тахминан 30.000 тага яқин «игна» бор.

* * *

Бир гектар тупроқ остида 100 мингга яқин ёмғир чувалчанги яшайди. Суткасига 24 соат тинмай «ишлайдиган» бу жонивор-ларнинг ўн мингтаси бир соатда яхшигина отдан кўпроқ ерни қайта ишлашга қодир экан. 100 мингтаси эса йилига 30 тонна тупроққа ишлов беради.

* * *

Австралияда дарахтда яшайдиган кенгурулар бор. Улар бутун ҳаёти давомида бирор марта ҳам ерга қадам босмайди.

* * *

Бразилия бозорларида бўғма илон сотилаётганини кўрсангиз, ҳайрон бўлманг. Бу махсус ўргатилган илон бўлиб, сичқонларни овлашда унга тенг келадигани йўқ.

* * *

Африка кобраси заҳрини 3,5 метрга соча олади.

* * *

Пингвин кунига 160 км.лик масофани сузиб ўтса ҳам, умуман чарчамайди.

* * *

Жирафанинг нафақат бўйни, балки тили ҳам узун: салкам 60 см. келади.

* * *

Қушлар ичида бургутнинг ини энг катта ҳисобланади.

* * *

Қушлар 4500 метр, ўргимчаклар эса ҳатто 7500 метр баландликда ҳам кун кечира олади.

Беҳзод ҚОДИРОВ тайёрлади.

Жаҳон ҳафта ичида

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ БАНГЛАДЕШЛИК БАНКИРДА

Тинчлик бўйича Нобель мукофотини бангладешлик банкир Муҳаммад Юнус қўлга киритди.



У мукофотни ўзи асос солган Grameen Bank билан бўлишиб оладиган бўлди. Нобель комитети расмий сайтининг хабар беришича, банкир юксак мукофотга Осиёнинг энг қолоқ давлатларидан бирида амалга ошираётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалари учун лойиқ, деб топилган.

Муҳаммад Юнус ва унинг банки иқтисодий ночор кишиларга ҳеч қандай молиявий кафолатсиз микрокредитлар бериши билан машҳур. Нобель комитетининг баёнотида келтиришилича, "аҳолининг катта қисми камбағалликдан қутулолмас экан", барқарор тинчликни ўрнатиш муштмушкул. Комитет аъзоларининг фикрича, 2006 йил учун Тинчлик мукофоти лауреатларининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва демократия тараққиётини таъминлашда хизмат қилади.

МАДОННАНИНГ ОИЛАСИДА ЯНГИ ФАРЗАНД

Малави суди Мадоннага бир яшар Дэвид Бандани ўғил сифатида асраб олиш учун вақтинчалик рухсатнома берди.

Мадоннанинг адвокати таъкидлашича, тўлиқ рухсат 18 ойдан кейин берилиши мумкин. Аммо қўшиқчи болани Малавидан олиб чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Мадоннанинг ўзи судда иштирок этмаган. Суднинг яна бир йиғилиши режалаштирилган бўлиб, унда болани асраб олишнинг шартлари келишиб олинади.

Поп-юлдуз болани болалар уйига уюштирган сафари чоғида асраб олишга қарор қилганди. Мадонна Малавига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида келганди. У ушбу мамлакатда болалар уйини қуриш учун уч миллион доллар сарфламоқчи.

ИШ СУДГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН

Исроил полицияси мамлакат президенти Моше Кацав устидан очилган жиноий ишни судга оширишни таклиф қилмоқда.

Терговчиларнинг билдиришича, уларда давлатнинг биринчи раҳбарининг бир неча маротаба аёлларга нисбатан зўравонлик қилишга уринганлигини тасдиқловчи фактлар мавжуд.

Моше Кацав шу йилнинг июлидан бери тергов органларига қатнаш билан овора. Айни дамда президент ўзига қўйилаётган айбларни кескин рад этмоқда. У ҳозир депутат сифатида дахлсиз, бироқ унга нисбатан ишончсизлик билдириладиган бўлса, суд олдида жавоб беришга тўғри келиши мумкин.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

2006 йил учун адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотига туркиялик ёзувчи Орхан Памук лойиқ, деб топилди. Бу ҳақда Нобель комитети маълум қилган.

Орхан Памук дунё адабиётининг хазинасига айланган бир қанча романлар муаллифи саналади. "Қора китоб", "Менинг отим Қизил", "Оқ қалъа", "Қор" ҳамда "Истамбул: хотиралар шаҳри" китоби уни бутун дунёга танитди.

Олтин медал, Швеция қироллик академияси дипломи ва 1,37 миллион АҚШ доллари миқдоридаги чек ёзувчига 10 декабрь куни Стокгольмда топширилади. Шу билан бир қаторда бошқа йўналишларда ҳам лауреатлар номини аниқланади.

СКОРСЕЗЕНИНГ ҚАРОРИ

Таниқли режиссёр Мартин Скорсезе маълум бир вақт давомида бюджети катта бўлган фильмларни суратга олмаслигини маълум қилган.

"Катта бюджет билан иш олиб борганда таваккалчилик қилиш учун имконият туғилмайди", — деб шарҳлаган ўз қарорини режиссёр.

Скорсезе 15 йилдан буён орзу қилаётган лойиҳа Шузаку Эндонинг "Жимжитлик" романини экранлаштиришдан иборатдир. Ушбу романда 16 асрда португалиялик миссионерларнинг бошқа давлатлар савдогарлари ва христианларни таъқиб қилган япон помешчиклари билан олиб борган кураши қаламга олинган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1223.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00